

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАНЛАШ МЕЗОНЛАРИ

М.А.Жумаева – БухДУ 2-босқич магистранти

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган туб ислохотлар таълим-тарбия жараёнига айниқса, таълим муассасалари олдида муҳим вазифаларни қўймоқда. Ушбу вазифаларнинг асосида ёш авлод таълим-тарбияси ётади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ушбу қонунда таъкидланишича, таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади [2;20].

Республикаимиз ҳукумати томонидан таълимнинг устувор деб эълон қилиниши бежиз эмас. Чунки фуқаролик жамияти қурилаётган бир вақтда инсон онгида, унинг тафаккурида ўзгаришлар қилишни тақозо қилмоқда. Бу ўзгариш таълимни жараёнини ривожлантириш асосида қурилади.

Ҳозирги замон педагогикасида таълим жараёнини юқори савияга кўришнинг муҳим йўлларида бири бизнингча, ўқитиш методларини тўғри танлашдир. Чунки, ўқитиш методлари ўқитувчининг ўқувчиларга ақлий қобилияти ва қизиқишларини ривожлантириш, билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш ва уларни амалда қўллаш имконини берадиган иш услубидир.

Таълимнинг шахсга бўлган ривожлантирувчи ва шакллантирувчи таъсири муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнида бир вақтнинг ўзида шахснинг ҳам интеллектуал, ҳам ижодий қобилиятини ривожлантирувчи илмий билимлар билан бирга унинг дунёқараши ва маънавий-ахлоқий маданияти ҳам шаклланади. Бу эса ўз навбатида таълимни тарбиянинг муҳим вазифасига айлантиради.

Ўқитиш методлари ўқувчи билан ўқитувчининг биргаликдаги фаолияти усуллари ҳисобланади ва улар ёрдамида педагогик жараённи ташкил этиш маълум маъно касб этади. Бундан ташқари, ўқитиш методлари ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятининг бошқа усулларига айланиб қолади. Ўқитиш методлари бир вақтнинг ўзида билим бериш билан бирга шахсни ҳам мақсадга мувофиқ шакллантиради. Чунончи, ўқувчиларнинг тарбиявий фаолияти билан узвий

равишда уйғунлашиб кетади ва бу жараён улар бирлигини қонуний тарзда ўзида намоён этади.

Ўқитиш методлари ўқитувчи фаолиятининг услуби ҳамда ушбу услубга мос ҳолда ўқувчининг ўқув материални эгаллашига имкон берадиган билиш фаолияти сифатида намоён бўлади. Бундай тушуниш таълимнинг анъанавий бўлиб қолган икки томонлама жараёни - ўқитувчи фаолияти ва ўқувчи фаолияти, ҳам ўқитиш билан ўрганишдан келиб чиқади.

Ўқитиш методи - бу ўқувчига таълим-тарбия бериш ҳамда унинг шахсини ривожлантирувчи вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш йўлидир.

Ўқитиш методлари таълим мазмунининг илмийлиги, ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам методлар аввало таълимнинг ўқувчилар шахсини шакллантириш қонуниятларини ифодаловчи механизм ҳисобланади.

Таълим методининг педагогик мазмуни тузилишига кўра методларнинг барча таркибий қисмлари ва томонларининг ўзаро диалектик бирлигини таъминлаш ва уни сақлаб қолишдан иборатдир. Ўқитиш методлари таркибий қисмларининг ҳар бири таълимнинг илмий, ривожлантирувчи ва тарбияловчи функцияларини амалга ошириш ўрни, аҳамияти ва имконияти аниқланган тақдирдагина педагогик мазмун касб этади.

Педагогик адабиётларда ёзилишича, ўқитиш методларининг психологик ва педагогик жиҳатлари фарқланади. Ўқитувчи томонидан ўқитиш методлари танланганда ана шу психологик ва педагогик жиҳатларига эътибор қаратиш зарурдир.

Таълим жараёнини психологик асослаш унинг методларини бойитади ва мазмунини чуқурлаштиради. Шахсга йўналтирилган таълим ғоясининг амалга оширилиши айнан ёш жиҳатдан ривожланиш ва ўқув жараёнини психологик тадқиқ этиш билан боғлиқдир.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқитиш жараёнига демократик характер касб этиб, соғлом ҳамкорликка асосланган психологик муҳит пайдо қилади. Бундай

жараёнда ўқувчининг фаоллиги ва ўқитувчи фаолиятида ҳамкорлик тўлиқ намоён бўлади. Бундай вазиятда асосий тамойил ўқувчига ишончдир. Бу ишонч ўқувчини ўзини англашга, ўз ҳатти-ҳаракатини таҳлил қила олишга, қизиқиши ва салоҳиятини юзага чиқаришга ундайди. Бу жараёнда ўқувчи мажбуран эмас, балки ўзи фаоллик кўрсатади, ўқиш, билим олиш унга зарур эҳтиёжга айланади.

Ўқитиш жараёнида тўғри танланган методлар куйидаги ҳолатларни келтириб чиқаради:

- ўқувчининг шахс сифатида шаклланишига олиб келиши;
- инсоний муносабатларга асосланган аниқ мақсаднинг ягона фаолиятга айланиши;
- ҳар бир ўқувчига хос индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш;
- ўқувчиларга хос хусусиятларни пайдо қилган омилларни аниқлаш;
- салбий ҳатти-ҳаракатларнинг сабабини таҳлил этиш;
- эркин фикр, самимий мулоқот, билишга бўлган интилишга замин ҳозирлайди.

Ўқитиш методларини танлашда ўқитувчи ўқувчининг билишга бўлган мотив ва қизиқишини, иштиёқини уйғотиши ҳам унинг муҳим томонларидан саналади. Бунда асосий вазифа ўқитувчи ўқувчининг ўрганилаётган материалга интилиш ва қизиқишни уйғотишдир.

Ўқувчида қизиқиш ҳосил қилиш - муҳим руҳий жараён. Ана шу жараён таълим мақсади, вазияти, шакллари, усуллари мутаносиблигини талаб этади. Бу жараёнда ўқувчи топшириқларни бажаришга астойдил киришади. Бунинг қулай йўллари: аввало қизиқарли мисоллар танлаш, муаммоли вазиятлар яратиш, ўқув-билиш вазифаларини тўғри йўлга қўя билиш, ҳаётий муаммоларни ҳал этишга доир вазиятлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, ўқитиш методларини тўғри танламасдан туриб, ўқув-тарбия жараёнини самарали амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам таълим методларини танлашда янги педагогик нуқтаи назардан уларнинг ҳақиқий узвий бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарурлигини тақозо этади.

Ўқитиш методларини танлаш ўқитувчига ўқув фаолиятини ижодий ташкил этишда ёрдам беради. Уларни танлаётганда таълим жараёни моҳиятидан келиб чиқиб ўрганиш ва қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч.-Тошкент- Маънавият 2008,- 176б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 1997 йил.
3. Очиллов М. Ўқитиш методи – педагогик технологиянинг асосий компоненти – «Халқ таълими», 1999 6-сон 32-35 бетлар.
4. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар: Назария ва амалиёт – Тошкент, «Молия», 2003

**БухДУ “Педагогика” кафедраси “Педагогика” йўналиши II босқич магистранти М.А.Жумаеванинг «Таълим жараёнида ўқитиш методларини танлаш мезонлари» мавзусидаги мақоласига
ТАҚРИЗ**

Таълим-тарбия жараёнига катта эътибор берилиши иқтисодий-сиёсий, маънавий-ахлоқий юксалишни таъминловчи етук мутахассисларни тайёрлаш, уларга педагогик санъати ва маҳоратини шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур давлат аҳамиятидаги вазифани амалга ошириш моҳиятидан келиб чиқиб бўлажак мутахассисларни ҳар томонлама юксак баркамол қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан БухДУ “Педагогика” кафедраси “Педагогика” йўналиши II босқич магистранти М.А.Жумаеванинг «Таълим жараёнида ўқитиш методларини танлаш мезонлари» мавзусидаги мақоласи диққатга сазовордир.

Мақола жуда долзарб ва айни вақтда ишланиши лозим бўлган муаммо ҳисобланади. Чунки бўлажак мутахассисларни таълимий ислохотлар билан қуроллантириш, аввало уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш зарурлиги яққол намоён бўлмоқда.

Мақолада ўқитиш методларини танлашнинг зарурияти, улар янги педагогик технология - таълим-тарбия жараёнининг тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуи эканлиги, бунда мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланиши алоҳида таъкидланади.

Мақолада ўқув - тарбия жараёнига янги педагогик технология элементларини тадбиқ этиш таълим-тарбия жараёнини аниқ режалаштириш, унинг натижасини (олдиндан белгилаш), ташхис қилиш, қўлдан келтирилган натижани қўлга киритиш, вақт ва кучни тежаш учун катта имкониятлар яратилиши, ўқувчининг ижодкорлиги, бунёдкорлиги, тадбиркорлиги ошиши ва боланинг талаби, истак-хоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилиши таълим методларига боғлиқ эканлиги аниқ назарий асослар билан кўрсатиб берилган.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, ушбу мақолани чоп қилиш мумкин деб ҳисоблайман.

педагогика фанлари доктори, проф.:

Ш.Ш.Олимов